



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 ноябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Кэтрин Эштонни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Европа Иттифоқи ташқи сиёсат хизмати раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Евроиттифоқ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини батафсил таҳлил қилиш, ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

бу икки ва кўп томонлама тузилмалар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. 1996 йили Флоренцияда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларни тартибга солишчи асосий ҳужжатдир.

19 фоиз ўсиб, 2,36 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда ҳам бу ижобий тенденция давом этмоқда.

маданий-гуманитар, илмий-маърифий ва бошқа соҳаларда тўғридан-тўғри алоқаларни кўллаб-қуватлашдан томонлар манфаатдор эканлиги қайд этилди.

лар юзасидан батафсил ва самарали фикр алмашиш борасида яратилган имконият учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди.

Ў.А. Сарвар УРМОҲОВ олган суратлар.

Фестиваль

Ёш авлоднинг иқтидор ва салоҳиятини кашф этиш, истеъдодли ўғил-қизлар дилидаги эзгу орзу-мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда беқийс имконият ҳамда шарт-шароитлар яратилмоқда.

Навқирон авлод иқболи

Албатта, ана шундай интилувчан, шижоатли ёшларни муносиб рағбатлантириш, уларнинг илм-фан, санъат ҳамда спортга бўлган қизиқишини ошириш бугун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Кеча пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида ушбу фестивалнинг якуний босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш

аҳоли фаровонлиги ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишда алоҳида аҳамиятга эга

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэксспомарказ" мажмуасида "Ўзагроэкс-2012" VIII халқаро иктисослаштирилган кўргазмаси иш бошланди.

Халқаро кўргазма

Тадбирнинг очилиш маросимиде таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида ушбу соҳада юксак самарадорликка эришилмоқда.

лиги корхона ва компаниялари вакиллари иштирок этмоқда. Улар томонидан намойиш қилинаётган техникалар, эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш технологиялари, қадоклаш ускуналари, экинларни турли зараркунанда ҳашаротлардан ҳимояловчи жиҳозлар, ветеринария воситалари, минерал қўшилмалар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада маҳсулотлар "Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат санъати", "Савдо ва музлатиш ускуналари. Қадоклаш", "Озиқ-овқат маҳсулотлари. Чанқовбосди ичимликлар, Ингредиентлар" йўналишлари бўйича ташкил этилган павильонларда тақдим қилинаётгани бу ерга ташриф буюрувчилар учун катта қулайлик яратаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



"Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат муҳофазасидадир".

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси).

Атроф-муҳит муҳофазаси ва ижро масъулияти

Бугунги кунда табиатни асраб-авайлаш, унинг бойликларини келажак авлодга бекаму қўст етказиш дунё ҳамжамияти олдига турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда табиат ва унинг неъматларини муҳофаза қилишга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда.

Хага оид қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишида парламент ва унинг назорат механизмларини кучайтиришда ҳамда бу борадаги чора-тадбирлар ва экологик назорат самарадорлиги орттиришида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ва Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан ташкил этилган навбатдаги парламент эшитиш ва идораларнинг соҳадаги масъулиятини оширади.

(Давоми 2-бетда).

Долзарб масалалар муҳокамаси

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимидаги ҳисобот-сайлов конференциялари Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида давом этди.

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўз атрофида 2445 та бошланғич ташкилотли бирлаштирилган вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилинди.

кўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Айниқса, унинг ҳузурда жамоатчилик асосида ишлаётган уюшмалар фаолиятига алоҳида урғу берилди.

(Давоми 2-бетда).

Молия бозорини ривожлантиришнинг муҳим омили

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида молия-банк тизимини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштиришнинг қонунчилик базасини кучайтириш, хусусан, гаров реестри тизимини шакллантириш вазифаси кўйилган эди.

Семинар

Республика Марказий банки томонидан Халқаро Молия Корпорацияси (IFC) билан ҳамкорликда ўтказилган семинар ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Ҳаққоний гаров ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш ва уни гаровга қўйилган мулкка ҳуқуқи ёки уни олишга иштиёқи бўлган шахсларга тақдим этиш, шунингдек, кредиторнинг гаровга қўйилган мулкка гаров ҳуқуқи мавжудлиги ва салоҳияти қарз олувчининг гаровга қўйилган мулкка доир ахборотларни тақдим этиш тартиби аниқ белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасида маълумотларнинг ягона базасини шакллантириш орқали гаров таъминоти реестрини яратиш, реестрда қайд этиладиган таъминот шакллари аниқлаш, реестр юритуви, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, активлар эгалари ҳамда кредиторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган.

С. РАҲМОҲОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси олдидан

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати кўмиталарида навбатдаги ялпи мажлисга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Сенаторлар Қонунчилик палатасидан келиб тушган ҳуқуқий ҳужжатларни изчил ўрганиб чиқишмоқда. Иқтисодий соҳадаги ана шундай қонунлардан бири — "Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бозор муносабатларининг ҳозирги ривожланиши ҳолатини, қолаверса, хусусий капитал билан боғлиқ масалаларни қамраб олгани билан ниҳоятда аҳамиятlidir.



Хусусий банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Маълумки, ҳали-ҳануз кўплаб давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юртимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Мамлакатимиз иқтисодиётига хусусий мулкнинг улуғи изчил кўпайиб бормоқда. Шу маънода айтганда, банк, сугурта, лизинг, микромолия хизматлари соҳасига хусусий инвестицияларни жалб қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.


Ушмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш ва банк-молия тизимини янада ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Хусусий банк ва молия институтлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш шароитларини яратиш, рақобатни кучайтириш ҳамда банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорига мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш Қонунни қабул қилишдан қўзғалган асосий вазифа ҳисобланади.

Қонунда хусусий банк ва молия институтлари тушуначаси белгилаб берилмоқда. Шунингдек, ушбу Қонунлар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, сугурта компаниялари, кредит

Алишер БУРХАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7,1 фоииз ўсди.



Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш

аҳоли фаровонлиги ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишда алоҳида аҳамиятга эга



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маълумки, бугунги кунда юртимизда қишлоқ мулкдорларини хом ашё етиштирувчида уни қайта ишловчи тадбиркорга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. — дейди Олот туманидаги "Зафар" фермер хўжалиги раҳбари Зибеддин Соатов. — Шу маънода, бундай тадбирлар фаолиятимизни янада кенгайтириш учун аниқ мудоабиди. Хусусан, биз ўтган йил айнан шу кўргазмага келиб, 41 миллион сўмга сутни қайта ишлаш ускунасини харид қилган эдик. Ҳозирги кунда унинг ёрдамида ҳар ойда 30 миллион сўмликдан ортук сўт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб берамиз.

Бундан ташқари, юртимизда 2012 — 2015 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш жараёни ҳам жadal суръатларда ривожлантирилмоқда. Сўнгги уч йил давомида 540 дан ортук қорхоналар фойдаланишга топширилиб, улар томонидан 150 дан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бунинг тасдиғидир.

Зангиота туманидаги "Музипрекс" масъулияти чеklangан жамияти — шундай қорхоналардан бири. Гап шундаки, мазкур қорхонада тайёрланаётган сифатли мева шарбатлари, музқаймоқ ва колбаса маҳсулотлари қисқа вақт ичида ички бозорда ўз ўрнини топиб улғурди. Халқаро кўргазма асосида иштирокчиларнинг қорхона маҳсулотларига қизиқиши юқорилигини инобатга олсак, келгусида унинг фаолияти янада кенгайди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Долзарб масалалар муҳокамаси

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган **Сурхондарё вилояти** хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида вилоят хотин-қизлар кўмитасининг 2012 йилга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги маърузаларни тинглади.

2008 йилда ҳудудда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Аёллар ижтимоий ҳуқуқий кўнкаси маркази ташкил этилган. Марказ аъзоларининг сай-ҳаракати билан ўтган давр мобайнида 1455 нафар хотин-қизнинг ижтимоий ҳаётида ўз ўрнини топишига, 1152 нафар аёлнинг касб-ҳунар эгаллашига, 610 нафар аёлнинг оилавий муаммоларини бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Хисобот даврида воҳда оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳўнармандчиликни ривожлантиришга зарур шарт-шароит яратилгани ташкилданди. Бу борадаги ишлар самараси ўлароқ, ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, 23468 та иш ўрни яратилди.

Шунингдек, вилоятда хотин-қизлар ўртасида оммавий спортни тартиб этишга ҳам жиҳдат қилиб келинаётган. Кўмита томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган кураш, бадий гимнастика спорт турлари бўйича вилоят биринчиликлари, "Аёллар спорт фестивали"нинг биринчи босқичи, "Соғлом оила", "Отан, онам ва мен — спортчилар оиласи" каби қўриқлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Атроф-муҳит муҳофазаси ва ижро масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки мазкур тадбирда "2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳити муҳофазаси ҳақида ишлари дастурида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегияси ва Ҳаракат режаси амалга оширилишининг бориши юртли субъектларнинг бўш турган маблағларини кенг жалб қилиш, хусусий банклар ва молия институтлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш имконини беради.

Умуман айтганда, Қонун нормалари молия-банк тизимининг халққаро талаб ва стандартларга мувофиқ ишончли ва самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган. У иқтисодиётни янада либераллаштириш бўйича устувор вазифалар, шунингдек, банк-молия тизимида рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Пиловардада мукобил банк муассасалари ва молия институтлари танлаш имкониятининг пайдо бўлиши тизимда кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига шароит яратди.

Мазкур фаолият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофазаси кўмитаси раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши ҳамда асосий йўналишга ҳам муштаракдир. Айниқса, шулар асосида марказда ва ҳудудларда давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, турли жамоатчилик ҳамда бошқа тузилмаларнинг соҳага оид қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар икроси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш манбалари мақсадли ишлатишдаги масъулияти оширилди.

Масалан, бу борада Ўзбекистон Республикасининг муҳофазаси этилайдиган табиий ҳудудлар тизимини яратиш дастури ишлаб чиқилди. Унда иккита босқич назарда тутилган. Биринчиси 2012 — 2015 йилларда мавжуд муҳофазаси этилайдиган ҳудудлар таркибига тақозо қилинган ҳудудларни барпо этиш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат. Иккинчиси эса 2020 йилгача режалаштирилган бўлиб, у Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган фауна ва флора турлари, мавжуд экотизимларни ҳудудий қўриқлашни таъминловчи янги муҳофазаси ҳудудларини ташкил этишга дахлдордир.

Тадбир

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Илғор дастурий маҳсулотлар

ахборот-коммуникация тизимининг тақомиллаштиришга хизмат қилади

Қайд этилганидек, кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби ахборот-коммуникация тармоғи ҳам шитоб билан ривожланаётган бўлиб, кўпчилик ҳисобидан унинг қисқариши ва таркиби йўналишига қўйиладиган талаблар ҳам ошмоқда. Натижасида аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ахборот алмасув даражаси кўтарилаяпти. Албатта, мазкур тармоқни тараққийлатишга қаратилган кўплаб ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар қабул қилингани бу ўринда муҳим аҳамият касб этапти. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Чунки унда келгусида республикамизда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган кўплаб устувор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ўтган давр мобайнида унинг икросини таъминлаш юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, "UNICON.UZ" давлат ўнитар қорхонаси қосида Дастурий маҳсулотлар экспортери бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда миллий ахборот тизими доирасида жорий этилаётган дастурий маҳсулотлар таҳлили билан шуғулланувчи ушбу бўлимда тест синовлари ўтказилиб, унинг имкониятлари ўрганилмоқда. Шунингдек, дастурий таъминотни баҳолаш учун халқаро стандартлар қабул қилинмоқда.

Маълумки, бугунги кунда таълим сифати кўп жиҳатдан ахборот-коммуникация технологияларига боғлиқ. Ўш дастурийларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш

марказида 600 дан зиёд тингловчилар билан олгани. Тошкент ахборот технологиялари университетини ҳузурдиги Ўзбекистон — Ҳиндистон марказида эса махсус курслар ташкил этилгани ўшларнинг борадаги мақсадларини рўйб-га чиқаришда, қолаверса, сифатли интернет дастурлари тайёрлашнинг муҳим омил бўлаётгани.

Д. МУРОДОВ.

А. МУҲАММИДОВ, Н. ТЕМИРОВ, Ф. ШЕРАЛИЕВ, З. АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Хизмат

Сув — бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир томчисини қадрлаш, қундалиқ турмушимизда истеъмол қилинаётган сувдан тўғри ва оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аммо обихаётнинг қадрига ҳар доим ҳам етаямиз, деб бўлмайди. Кўча-кўйни кўя турайлик, айрим хонадонлардаги жұмракнинг носозлиги туфайли бесамар оқиб ётган сувга бефарқларча муносабатда бўлаётганлар ҳам кам эмас. Ваҳоланки, унинг хонадонимизга беминнат кириб келиши учун қанча меҳнат, маблағ талаб этилиши барчага маълум.



Ҳар томчиси қадрли

Пойтахт истеъмолчиларига тоза ичимлик суви етказиб бериш, унинг узлуksизлигини таъминлаш "Сувсос" давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилган. Айни чоғда корхона таркибда ичимлик сувини тозалайдиган етти иншоот мавжуд. Уларнинг бир кунлик умумий қуввати 2 миллион 326 минг кубни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичнинг қарийб 80 фоизи "Бўзсув" ва "Қодирий" очик турдаги сув иншоотлари, қолган қисми эса ер ости сув иншоотлари томонидан ишлаб чиқарилади. Улардан истеъмолчиларга ичимлик сувини етказиб бериш учун шахримизда умумий узунлиги 3,6 минг километрдан ортик ичимлик суви тармоқлари мавжуд. Бундан ташқари, узунлиги 2,6 минг километрлик тармоқлар орқали оқова сувлар учта иншоотга етказилиб, тозаланади.

Ичимлик ва оқова сув тизимини самардорлик ҳамда тежамкорликни ошириш мақсадида амалдаги ускуналарни янгиларига алмаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш, модернизациялаш ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидандир. Шу мақсадда "Сувсос" давлат унитар корхонаси ҳамда Ислон тараққиёт банки ҳамкорлигида "Тошкент шахрининг канализация тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 46,94 млн. АҚШ доллари миқдорда бўлиб, шундан 35,37 млн. АҚШ доллари

Ислон тараққиёт банки томонидан 15 йилга берилган. Ушбу муддатнинг тўрт йили имтиёзли этиб белги-ланган. 7,97 млн. АҚШ доллари эса Ўзбекистон Республикаси улushi бўлиб, унга турли солик ва боғхона имтиёзлари қўлланилган. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Дилшод Азизовнинг таъкидлашча, 2014 йилнинг охиригача Салор, Бўзсув ва Бектемир оқова сув тозалаш иншоотларида амалдаги технологик ускуналар тўлиқ янгисига алмаштирилади. Шунингдек, умумий узунлиги 6,5 километрлик Қорақамиш оқова сув кол-лектори қурилиши, замонавий насос станцияси барпо этиш, оқова сув сифатини аниқлайдиган учта киме-бактериологик лабораторияга янги ускуналар, махсус автомашина ва механизмлар харид қилиш кўзда тутилган.

Шак-шубҳасиз, юқорида тилга олиб ўтилган лойиҳадаги мақсадлар тўлиғича амалга оширилса, пойтахтдаги санитария ва эпидемиологик вазиятнинг янада яхшиланишига эришилади ва

Корхона жамоаси томонидан шу кунга қадар мавжуд ичимлик суви тармоқларининг 13,7 километри, оқова сув тизимининг эса 5 километри капитал таъмирланди. Бундан ташқари, 50 километрлик сув тармоқлари ва 334,7 километрлик оқова сув тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилган. Шу билан бирга, 211 дона носоз задвигжалар, 163 та сув олиш гидрантлари алмаштирилиб, 24 дона эскирган насос қурилмаси модернизация қилинди. Шунингдек, носозликлар бар-тараф этилган жойларга 8058 кв. метрлик асфальт ётқизилди.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан аҳолини мунтазам тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва унинг сифатини яхшилаш борасида "Сувсос" жамоасига барча имкониятлар яратиб берилган. Бундай юксак ишонччи шараф деб билган аҳил жамоа мавжуд сув иншоотларини реконструкция қилишга жиддий киришган. Бу эса келгусида ўз самарасини бериши муқаррар.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

САНОАТ КОРХОНАСИ

ностандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,

шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,

электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.

Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:
(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d-kolov@mail.ru

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси махсус транспорт қурилиш асбоблари кичик механизация воситалари технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир миждо учун алоҳида тарзда белгиланади.

Лизинг 1 йилдан 5 йилгача
Ижара 1 йилгача

2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСINI ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАВЖУД ТЕХНИКА АНЖОМЛАР:

- ҚУВУР ЁТҚИЗГИЧ «PipeLineMan PMGY-70»;
- АВТОБЕТОН ҚОРУВЧИ ФИЛДИРАКЛИ «NOVO» (336 от кучига эга), V - 10 куб. м.;
- ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб. м.

ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:

- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5 М;
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛТАЛАР;
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРИГИЧЛАР.

КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:

- «HYUNDAI» РУСУМЛИ ФИЛДИРАКЛИ ВА ЗАНЖИРЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР.

Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.
Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.
www.qurilish-lizing.uz
E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.
Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04. Моб.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61. Тел./факс: (8-371) 250-51-04.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 10 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикасида ҳорижий ишчи кўчларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми»нинг қўлланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлиги, Тошкент вилоят иқтисодий муносабатлари ва саноат вазирлигининг 2012 йил 16 октябрдаги 67-Б-сонли буйруғи.

2012 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 285-2 (2012 йил 23 ноябрдан кўчга қиради).

2. «Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлигининг тарихий ҳисоб-китоблари ва ҳаракатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғини, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кўчини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлигининг 2012 йил 5 октябрдаги 75-сонли буйруғи.

2012 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1828-2 (2012 йил 23 ноябрдан кўчга қиради).

3. «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва ҳаракатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлигининг 2012 йил 5 октябрдаги 74-сонли буйруғи.

2012 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400 (2012 йил 23 ноябрдан кўчга қиради).

4. «Ўзбекистон Республикасида улар иштирокида қолдирилган пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотларини сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорини ўз кўчини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва саноат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2012 йил 5 ноябрдаги 12, 5/4, 9Ғ-01/10-6731, 78-сонли қарори.

2012 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1193-1 (2012 йил 24 ноябрдан кўчга қиради).

5. «Ўзбекистон Республикаси Банкарда депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 10 ноябрдаги 32/2-сонли қарори.

2012 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2205-1 (2012 йил 26 ноябрдан кўчга қиради).

6. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПҚ-4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва иктимий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги Қарорини, Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлигининг 2012 йил 19 ноябрдаги 82-сонли буйруғи.

2012 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2401 (2012 йил 1 декабрдан кўчга қиради).

7. «Муддатли харбий хизматни ўқитган харбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ишчи ишлар вазирлиги, Миллий кавказлик хизматининг 2012 йил 23 октябрдаги 11, 33, 113-сонли қарори.

2012 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2402 (2012 йил 1 декабрдан кўчга қиради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва ҳаракатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низоми, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 1828, 2008 йил 18 июнь), (рўйхат рақами 1828-1, 2009 йил 8 октябрь). Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2012 йил 13 ноябрдаги 242-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

2. «Ўзбекистон Республикасида улар иштирокида қолдирилган пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотларини сотиш тартиби тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 1193, 2002 йил 5 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги 245-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПҚ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва иктимий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 2380, 2012 йил 20 июль). Ўзбекистон Республикаси молия ва статистика вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2012 йил 21 ноябрдаги 247-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

4. «Муддатли харбий хизматни ўқитган харбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 1530, 2005 йил 5 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Ишчи ишлар вазирлиги, Миллий кавказлик хизматининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2012 йил 21 ноябрдаги 248-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

TUCSON

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

DONGNAM UZ MOTORS
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон «World Travel Market — 2012» сайёҳлик анжуманида

Сайёҳлик индустрияси вакилларига бутун дунё бўйлаб саёхат уюштириш юзасидан аллоқалар ўрна-ти...

рени ҳам тақлиф қилишди. Таъкидлаш жоизки, ўзига хос ва шарқона дид билан безатилган Ўзбекистон бўлмаси «World Travel Market — 2012» анжумани катнашчилари ҳамда меҳмонлари билан жуда гавжум бўлди...

«World Travel Market — 2012» анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиокомпанияси ҳамда бир қатор етакчи сайёҳлик компаниялари мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳиятини муносиб равишда намойиш этдилар...

Халқаро ярмарка доирасида юртдошларимиз турли тақдимот, конференцияларда, шунингдек, кўхна Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатларда сайёҳлик тараққиёт мавзусига бағишланган дастурий тадбирларда иштирок этишлари баробарида, хорижий туроператорлар билан ўзаро ҳамкорлик аллоқаларини йўлга қўйиш юзасидан музокаралар ҳам ўтказдилар.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

— Гўзал Ўзбекистонимда мана шундай ноёб истеъдодли болалар борлигини кўриб, ниҳоятда таъсирландим, — дейди россиялик таниқли композитор, «Янги авлод — 2012» фестивалининг ҳакамлар ҳайъати аъзоси Александр Журбин...

Тошкентга келиш, унинг буткул ўзгариб, чирой очганини, бу ерда қанчадан-қанча иқтидор соҳиблари вояга етгаётганини ўз кўзим билан кўриш насиб этганидан бениҳоя хурсандман.

Еш баҳши, танлов ғолиби — Камолбой Алимбоев Нукус шаҳридаги 12-сонли болалар мусика ва санъат мактабида тахсил олади...

— Фестивалда ўзим каби миллий санъатимизга қизиқадиган тенгдошларим билан танишдиким, улар билан биргаликда якуний концертда катта сахнага бўлаётганликларини эшитганимда, доим она-Ватанимни соғинар, уни кўрсан эдим. Бугун ушбу бетакор фестиваль сабаб

ларни кўлга киритишга ҳаракат қиламан.

— Ансамблимиз аъзолари фестивалда илк бор иштирок этишди, — дейди «Дўстлик» (Наввой шаҳри) ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари Фарид Тошпўлатова...



Тадбирда «Янги авлод — 2012» болалар ижодиёти фестивали ғолибларига махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг санъат усталари ва фестиваль ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концерт намойиш этилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири, Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.



Спорт • Sport • Спорт • Sport

Пойтахтимиз мезбонлик қилаётган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг иккинчи босқич олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Баҳслар қизиқарли кечмоқда

Леко — Ванг Хао, Пётр Свидлер — Сергей Карякин, Фабиано Каруана — Руслан Пономарёв, Борис Гельфанд — Шахриёр Мамедъяров жуфтликлари қарама-қаршиликлариди...

Юришда мот қилди. Александр ушбу галабаси эвазига тўрт очко жамғариб, турнир жадровалида яқна пешқадам бўлиб олди.

марёв, Петер Леко, Ванг Хао ва Пётр Свидлер ҳисобида 3 тадан очко бор.

Бугун мусобақанинг еттинчи тур ўйинлари ўтказилди. Унда ҳамюртимиз оқ доналарда Венгрия вакили Петер Лекога қарши баҳс юрилади.

Шунингдек, Шахриёр Мамедъяров — Гата Камский, Руслан Пономарёв — Борис Гельфанд, Ленъер Домингес Перес — Фабиано Каруана, Сергей Карякин — Александр Морозевич, Ванг Хао — Пётр Свидлер жуфтликлари ҳам ўзаро беллашади.

Футболчи қизларимиз Осиё чемпионатида боради

Футбол бўйича Ўзбекистон қизлар терма жамоаси (U 16) келаси йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Хушхабар

Гулнора Аъзамова шоғирдлари ушбу муваффақиятга айна пайтда Шри-Ланкада давом этаётган саралаш баҳсларида эришдилар. Мусобақани «В» гуруҳида Эрон, Ҳиндистон ҳамда Шри-Ланка терма жамоаларига қарши ўтказётган ҳамюртларимиз дастлабки икки ўйинда йирки ҳисобда галабага эришдилар. Жумладан, мезбонлар терма жамоаси 6:0, эронлик қизлар эса 3:0 ҳисобид

да мағлубиятга учратилди. Вакилларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни 30 ноябрь куни ҳиндистонлик тенгқурларига қарши ўтказдилар. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ҳозиргача Ўзбекистон қизлар терма жамоаси (U 16) китъа чемпионати саралаш баҳсларида иштирок этмаган. Кўриниб турибдики, юртдошларимизнинг дебюти жуда муваффақиятли келди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Қисқа сатрларда

ҚАРШИ шаҳрида «Ешлар маркази»да Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунига етди. Мақтаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган истеъдодли қизлар адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ўз йўналиши бўйича ғолиб топилган 15 нафар истеъдод соҳиби танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

НАВВОЙ вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг янги биносини қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган мазкур мушташан иншоотни бунёд этиш учун бир миллиард 700 миллион сўмликдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

НУКУС шаҳрида «Иил аёли — 2012» кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Унда Тахياتош иссиқлик электр станцияси ходими Гулсара Жоллибекова ғолибликни кўлга киритди.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги «ФАРФОНА» вилоят мусикали драма театрида «Сени соғиндим» деб номланган янги асар сахналаштирилди. Одам савдоси оқибатларини очиб берувчи ушбу спектакль ҳаётий воқеалиқларга бойлиги билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУҲ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.

Бизнинг тақлифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин. Иш вақти — ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача.

СОТАМИЗ: ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача, БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача, НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОВАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР* турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасаитирадиган мослама, машъала устуни ва каллагли, технологик реакторлар.

ОБ-ҲАВО

(29 ноябрь) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида -5 -10 -3 +2, Бухоро ва Навоий вилоятларида 0 -5 +3 +8, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида 0 -5 +3 +8, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида -3 +2 +3 +8, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида 0 -5 +3 +8, Тошкент шаҳрида 0 -2 +3 +5.

Ижтимоий реклама. 2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди! 2013 йилда янги уй эшикларини очинг! Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 813 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЕМАЛАР ТАКРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТИРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририй жавобгар эмас. Газета тахририй компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. • МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршинов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — М. Холматова. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Тошширилди — 22.30 1 2 3 4 5